

Фарзанд ота-онанинг ойнасидир (иккинчи мақола)



09:00 / 28.05.2021 3485

- Фарзанд ва она ўртасидаги муносабатларнинг бардавом бўлиши учун нима тавсиялар бера оласиз?

- Бардавом муносабатга эришишнинг бир неча йўллари бор:

- Фарзанд билан ҳар куни 20 дақиқа дўстона суҳбат (панд-насиҳатсиз, мактаби, ўқиши ҳақида гапирмай);

- Фарзандга ҳар куни 5-10 марта ўз меҳр-муҳаббатини изҳор қилиш;

- Ҳар куни 5 марта фарзанднинг яхши ахлоқи, чиройли амалига мақтов айтиш;

- Ҳафтада бир марта беш дақиқа бўлса ҳам фарзанд билан уйдан ташқаридаги машғулоти бирга бажариш (пиёда юриш, спорт билан шуғулланиш, автоуловда сайр қилиш кабилар);

- Болада ҳаёт асосларини пайдо қилиш учун уйқудан олдин ҳар куни «Фалон яхши ишни бажарганингда ўзимни жуда бахтиёр ҳис қилдим», «Укангга қараганинг – жуда катта иш», «Фалон келишувимизга амал қилганинг мен учун фахр» кабилар орқали ўз ризолигининг билдириб туриш;

- Ҳафтада бир ёки икки марта оилавий маслаҳат ва суҳбат учун кечки таомни оила даврасида тановвул қилиш;

- Фарзандга бўлган муҳаббатни турли тарзда изҳор қилиш; бошнинг орқа тарафини силлаш меҳрибонлик ва шафқатни ифодалайди, бошига қўлни қўйиш фахрланишни ифода қилади, қўлни пешонасига қўйиш тинчлантиради, қўлни тутиш ота-бола ўртасидаги алоқани кучайтиради, агар бола асабий бўлса, кўксини силлаш билан тинчлантиринг. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фарзанд тарбиясида бизга ўрнатган зотлар. У зот масжидда ёки саҳобалар ҳузурини Фотима розияллоҳу анҳонинг пешоналари, қўллари билан ўпар ва бағирларига босар эдилар.

Шу дастурга амал қилиб, фарзандингизга меҳринингизни изҳор қилиш, унинг нақадар улуғ неъмат эканини ҳис қилдириш орқали ўртангизда кучли бир алоқа вужудга келсинки, у сизнинг ҳузурингизда чиройли хулқ эгаси, итоатли, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатли ва ота-онасини рози қиладиган ҳақиқий муслим бўлиб улғайсин, ахлоқини руҳан ва жисман бузувчи омиллардан узоқлашиб, уларга дуч келганда ўзини тўғри тута оладиган инсон бўлиб етишсин.

Болалар учун айтиладиган энг яхши мақтовлар, улар болани яхши томонга ўзгартиришига ва ўсишига ёрдам беради. Масалан, «Баракаллоҳ!», «Қойил!», «Ана кўрдингми, буни уддаладинг!», «Ажойиб!», «Қила олишингни билгандим!», «Зўр чиқибди!», «Табриклайман, болажоним!» каби эътирофлар болага ижобий таъсир кўрсатади.

Ва, албатта, фарзандингизни тез-тез бағрингизга босиб туринг. Бу иш кимгадир эриш туюлиши мумкин, аммо болажонлар учун жудаям муҳим.

- *Хоҳлаймизми йўқми, бугун телефон ва интернет ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ҳатто бу матоҳ болажонларимизни ҳам четлаб ўтмади. Турли мавзудаги хориж мультфильмлари ва шунга ўхшаш*

нарсаларга муккасидан кетган болаларнинг соатлаб телефонга тикилиб ўтиришига аксарият оналар беэътибор. Бу борада нима деган бўлардингиз?

- Ҳозирги кунда телефонга нафақат болалар, балки катталар ҳам жуда боғланиб қолган. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида инсоннинг ҳаётидаги бўшлиқни кўрсатса бўлади. Шунинг учун ҳам фарзандингиз ҳаётини қизиқарли, ривожлантирувчи машғулотлар билан тўлдирганингиз маъқул.

Рухшунослар 2 ёшга тўлмаган болага умуман телефон бермасликни таъкидлашади. Телефонга боғланиб қолган болани бу одатдан қайтариш учун бир нечта тавсия бериш мумкин:

1. Фарзандингиз ҳаётини қизиқарли машғулотлар билан тўлдиринг. Бунинг учун унинг ёшига мос ўйинчоқлардан фойдаланишингиз мумкин. Фақат ҳамма ўйинчоқларни бирданига берманг, баъзиларини яшириб, «соғинтириб» берсангиз, бола уларнинг ҳаммасини қадрлаб, маза қилиб ўйнайди. Ундан ташқари, уйдаги хавфсиз (қошиқ, юмшоқ буюмлар ва шунга ўхшаш) нарсаларни бир қутига солиб беришингиз ҳам мумкин, 3 ёшга тўлмаган бола учун бу қизиқарли машғулот.

2. Телефонингиздан фарзандингизга қизиқарли туюлиши мумкин бўлган нарсаларни ўчиринг (ранг-баранг мобил илова, мусиқа) ёки яширин қилиб қўйинг. Ўзингиз ҳам унинг олдида телефонингиздан камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг.

3. Чегара қўйишни ўрганинг. Фарзандингиз ниманидир жуда қаттиқ йиғи билан талаб қилса ҳам, қатъий қоидалар бўлишини ўргатинг. Пичоқ фарзандингиз танасига жароҳат етказганидек, телефон руҳий ривожланишига ёмон таъсир қилишини эътиборга олинг. Ақли етмаган кичик ёшдаги болаларнинг эса ҳаёлини чалғитиш усулидан фойдаланишингиз мумкин.

Албатта, одатлардан воз кечиш сизга ҳам, фарзандингиз учун ҳам оғир бўлиши мумкин. Айниқса, бу ўзгариш сиздан жуда кўп эътибор ва ҳаракат талаб қилади. Лекин натижа ҳаракатга арзийди, чунки ҳаётимиз мазмуни аслида уй ишларини қилиш эмас, болаларимизни яхши тарбиялаб, улғайтириш-ку!

- Болани китоб мутолаасига ўргатиш учун оналарга қандай маслаҳатлар бера оласиз?

– Фарзанд оиланинг ойнаси. Деярли ҳар бир ота-она фарзандини кичик ёшдан китобга қизиқтиришга ҳаракат қилади. Бунга эришиш учун болага ўртак бўлиш, яъни ўзлари ҳам китоб ўқишлари, қизиқарли китоблар танлашлари ва уларни харид қилишлари лозим.

Фарзандингиз сиздан ўртак олади. Оламни сиздан ўрганади. Сиздаги барча хислатлар болангизда намоён булади. Бизга олимлар, қорилар, халққа манфаати тегувчи етук ходимлар ва мутахассислар керак. Бу ўтиришингизда бизда яна сиздек телефонга ошиқ бўлганлар етишиб чиқади... ўзингизни ислоҳ қилинг! Келинг, шу матоҳдан бошингизни кўтаринг.

(Тамом)

***Нозима Умарали қизи суҳбатлашди
«Ҳилол» журналининг 5 (26) сонидан***